

9-10-2020

## PEOPLE CLOSE **TO** THE HEART

Abdunabi Khudoyberdievich Tuychiev  
*Doctoral student gulistan state university*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Tuychiev, Abdunabi Khudoyberdievich (2020) "PEOPLE CLOSE TO THE HEART," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 46.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/46>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## PEOPLE CLOSE **TO** THE HEART

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

## ҚАЛБИМИЗГА ЯҚИН ОДАМЛАР

Тўйчиев Абдунаби Худойбердиевич

Гулистон давлат университети таянч докторанти

Тел: 94-407-22-40 Е-mail: [abdunabi2240@gmail.com](mailto:abdunabi2240@gmail.com)

*Аннотация:* Нурали Қобул асарларида Бахмал тоглари, шу юртда униб-ўсган одамларнинг қиёфаси, уларнинг орзу-умидлари, дарду ҳасратлари, қувонч ва изтироблари тасвири бор. Мазкур мақолада адибнинг бир қанча асарларида учрайдиган таниш образларга оид кузатишлар ҳақида сўз боради.

*Калит сўзлар:* Фаргона, деталь, образ, ўқиш, воқеа, бадиий тўқима.

## ЛЮДИ БЛИЗКИЕ К СЕРДЦУ

Тўйчиев Абдунаби Худойбердиевич

Докторант гулистанского государственного университета

Тел: 94-407-22-40 Е-mail: [abdunabi2240@gmail.com](mailto:abdunabi2240@gmail.com)

*Аннотация:* В творчестве Нурали Кабула, описывается Горы Бахмала, образы людей выросших в этой стране, у которых есть образ мечты, радости и печали. В данной статье рассматриваются наблюдения за знакомыми образами, встречающимися в нескольких работах автора.

*Ключевые слова:* Фергана, деталь, образ, чтение, событие, художественный вымысел.

## PEOPLE CLOSE TO THE HEART

Tuychiev Abdunabi Khudoyberdievich

Doctoral student gulistan state university

Tel: 94-407-22-40 Е-mail: [abdunabi2240@gmail.com](mailto:abdunabi2240@gmail.com)

*Annotation:* In the works of Nurali Kabul, the Bakhmal Mountains are described as images of people who grew up in this country, who have the image of dreams, joy and sorrow. This article examines observations of familiar images found in several of the author's works.

*Keywords:* Fergana, detail, image, reading, event, artistic blend.

Атоқли ўзбек адиби Нурали Қобулнинг ижодини кузатган, мунтазам ўқиб борган китобхон ўхшаш ва турфа тақдирларга дуч келади. Бу асарларнинг кўпи автобиографик хусусиятга эга бўлгани учун ёзувчи умри давомида учратган, билган ёки эшитган воқеа-ҳодисаларни ўрни билан ўз асарига киритади. Адибнинг асарларини ўқир экансиз, воқеа-ҳодисалар, асар иштирокчилари таниш туюлади. Олдинги асаридаги образни яна учратасиз, гўё бу қаҳрамонлар бир-бирини тўлдириб боради. Яхши асар марказида бор бўю-басти билан инсон ва унинг руҳий дунёси, ҳаётининг фаолияти тасвири туради. Умуман олганда ҳам, бадиий асарнинг яратилиш тарихи жуда мураккаб жараён дир. Аввало, ёзувчида асар ёзиш фикри туғилади, яъни асарнинг яратилишига ижодкор учун бирор воқеа туртки бўлади. Асар ёзиш гоёси туғилгач, ёзувчи ўз асари учун материаллар тўплайди. Ҳаёлида



асар воқеалари кечадиган жараённи ва қаҳрамонлари хатти – ҳаракатини пишитади, ўйланади.

Бизга ёзувчининг таржимаи ҳолидан маълумки, у “романтик туйғулар” таъсирида “қуй ва қўшиқлардаги гўзал Фарғонага” ўқишга боради: “1968 йили ўқишга кириш ниятида отам билан Фарғонага бордик. Ростини гап, мени бу ерга романтик туйғулар ҳамда қуй ва қўшиқлардаги гўзал Фарғонанинг мадҳи етаклаб келганди. Чойхонада нуроний бир отахон билан танишиб, суҳбатлашиб қолдик. “Эҳ болам, - деди отахон дамсар уриб, ички бир дард билан. – Фарғона, билсаларинг – Фарғона, билмасаларинг – гамхона...”. Сўнгра отахоннинг кўзи жиққа ёшига тўлди”, – дейди Нурали Қобул ўша дамларни эслаб [1.152].

Ёзувчи Фарғона билан боғлиқ хотирасида эслagan бу воқеани кейинчалик ёзган “Қулон қудуққа қуласа” номли қиссасида бош қаҳрамон Нурмалик томонидан қуйидагича тасвирлайди: “Бу галги суҳбатдошим қорачадан келган, зуваласи пишиқ, бароқ қошли, арабкелбатли сўхлик Озодқул бобо эди.

- Мани Сўхда Озод Қоратожиқ ҳам дейдила, ўғлим, - гурунг берарди оқсоқол сўхликларга хос лаҳжада сўзларни чўзиброқ.

- Бо Парғона билсангиз Парғона, билмасангиз гамғона ўғлим... Бизди Сўхга боринг. Чўнгарани девзирасига ош қилиб бераман” [2.168].

Бўлажак ёзувчи Фарғона давлат педагогика институтининг (Ҳозирги ФарДУ) тарих факультетида сиртдан таҳсил олади. Ижодкор ўша вақтдаги қалб кечинмаларини, юқорида таъкидлаганимиздек, кейинчалик асарларида тасвирлайди. Адибнинг “Қулон қудуққа қуласа” қиссасида тасвирланишича, бош қаҳрамон Нурмалик педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга киролмайди. Қабул комиссиясида қорачадан келган, бодомқовоқ, ёқимли Марғилон лаҳжасида сўзловчи Сабоҳат (Сабо) исмли қиз билан танишади. Улар кейинги йил сиртқи бўлимга бирга ўқишга киришади [2. 168]. Адибнинг “Яшашга кечикма” қиссасида ҳам шунга ўхшаш ҳолат тасвирланган. Асарнинг бош қаҳрамони Нурилла педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга киролмайди. Лекин “қалбини нурлантириб турган ажойиб инсон” – Сабони учратади. “Унинг сал дардчил ва ҳазин овози сокин таралаётган қуйга ўхшайди. Ҳамма унга ҳавас, меҳр-муҳаббат ва умид билан боқади”. Улар кейинги йил сиртқи бўлимга бирга ўқишга киришади [3. 73].

Биринчи йил ўқишга киролмаган бўлажак адиб мактабда ишлайди. “Қулон қудуққа қуласа” қиссасида тасвирланишича, бош қаҳрамон Нурмалик янги йилгача чўпонларга ёрдам беради. Биринчи январдан мактабга “пионервожатий штати” берилади ва шу лавозимда саксон етти сўм маош билан иш бошлайди. Биринчи маошини районодагилар “йўл ҳаражати учун” олиб қолишади [2. 170]. “Яшашга кечикма” қиссасида ҳам бош қаҳрамон Нурилла дастлаб пахта йиғим-терим мавсумида ёрдам беради. Кейин қишлоғидаги саккиз йиллик мактабга “пионервожатий штати” берилгандан кейин мактабга ишга ўтади. У ҳам дастлабки маошини районодагилар “йўл ҳаражати учун” олиб қолишгани учун ойлигини олмайди [3. 75]. (Шуни таъкидлаш керакки, ҳар икки асарда ҳам халқ таълими бўлимидаги бу иллат қаҳрамонлар томонидан кескин қораланади).

Нурали Қобул ижодида муҳим ўрин тутган, адибнинг кўрган-кечирганлари, эшитган-билганлари битилган “Унутилган соҳиллар” романида ҳам шунга яқин тафсилот Нурзод томонидан берилган: “Бир амаллаб сиртдан ўқишга кирганимда ҳам Раббим аканинг ёнида қўй боқардим... Кўп ўтмай қишлоғимиздаги саккиз йиллик мактабга пионервожатий бўлиб ишга ўтдим ва ўзимни бирдан улгайиб қолгандек ҳис эта бошладим. Шаҳарда интернатда ўнинчини битирганим учун болаларнинг кўзига худди катта шаҳарларда институтни битириб келган ўқитувчидек туюлардим, шекилли, унча-мунча муаллимнинг гапига қулоқ солмайдиган ўқувчилар мен билан ҳисоблашарди. Ундан ташқари шу пайтгача мактабга пионервожатий штати берилмаган бўлиб, бу ловозимдаги кишига болалар директор ва илмий бўлим мудури каби алоҳида ҳурмат билан қарашарди” [4. 63].

Ёзувчининг ўзи бу ҳақида “Мен ҳам мактабда пионервожатий, ўқитувчи бўлиб ишлаганман”, - дейди [5. 4]. “Дастлаб пионервожатий бўлганман. Сиртдан ўқиганим учун иш фаолиятимни жуда эрта бошлашга тўғри келган. Катта синф ўқувчилари орасида мен билан ёши тенг болалар ҳам бор эди. Сўнгра бошланғич синфларга рус тилидан, ўрта синфларга тарих ва юқори синфларга аорганик ҳамда органик химиядан дарс берардим. Ёш бўлганим тўфайли болаларга мени катта ёшли ўқитувчилардек қабул қилинг, дегандек ҳаракат қилишни хаёлга ҳам келтирмас эдим” [6. 166].

Умуман олганда, Нурмалик, Нурилла, Нурзодларнинг хатти-ҳаракатида ўсмир Нуралининг фаолияти акс этган. Биз юқорида “Қулон қудуққа қуласа” қиссасида бош қаҳрамон Нурмалик янги йилгача чўпонларга ёрдам бергани ҳақида ёзгандик. Аслида ҳам ёзувчи ҳаётида шундай бўлган: “Мен бироз муддат чўпонлик ҳам қилганман. Бироқ ўша пайтда (сиртдан ўқирдим) курсдошларимдан чўпонлик қилаётганлигимни яширардим. Энди билсам, ҳаётимнинг энг покиза даври ўша пайтлар бўлган экан... [7. 3].

Бу фикримизга “Тубсиз осмон” қиссасининг ёзилиш тарихи ҳақида муаллифнинг айтганлари ҳам асос бўла олади: “Тубсиз осмон” воқеалари қишлоғимиздаги саккиз йиллик мактабга пионервожатий штати берилишини кутиб, бир муддат чўпон бўлиб ишлаганимдаги даврдир. Бош чўпон, аммамнинг ўғли Раббим Отабеков тўқайни бирма-бир кезиб, ёввойилашиб кетган ўнтача итни отиб чиққани ҳамон кўз олдимда. Бу асарда оиламиз бошига тушган фожиа ҳам акс этган” [6. 155]. Шунингдек, яна бир қанча асарларида Раббим чўпон образини (“Қулон қудуққа қуласа” [2. 170], “Унутилган соҳиллар” [4. 60], “Дала йўли” [8. 86], “Тубсиз осмон” [9. 202]) учратиш мумкин.

Муаллиф “Умр соҳиллари” ҳикоясида ўз қаҳрамонларини “Қалбимизга яқин одамлар”, - дейди [8. 163]. Ёзувчининг асарларини ўқиётган китобхон олдинги асарида учратган манзаралар, жойлар, воқеа-ҳодисалар ва таниш қиёфаларга яна дуч келади. Ушбу мақолани ёзиш жараёнида муаллиф билан боғланганимизда санаб ўтилган воқеа-ҳодисалар, шахслар ҳаётда ҳақиқатдан бўлганлиги, улар ўрнига асарида бошқа тўқима қаҳрамонларни тасаввур этолмаслиги ва тасвирлай олмаслигини, бу ҳолат кейинчалик ёзган асарларида акс этганини айтди. Адиб асарлари мутолааси жараёнида Шодмонкул аравакаш (“Дўстмурод бобо” “Озор”, “Унутилган соҳиллар”); Дўм Шодмон ўрис (“Кечиккан турналар”, “Сангзор”, “Унутилган соҳиллар”); Уста этиқдўз Ҳамза бобо (“Умр соҳиллари”, “Кечиккан

турналар”, “Сангзор”); Тогвой чўпон (“Кечиккан турналар”, “Тантанадан кейинги кун”, “Бўри ови” (Тогбеги)); Пардавой (“Сариқ қизлар”, “Озор”, “Янги ёққан кун”); монтер Абдурасул Раҳматуллаев (“Умр соҳиллари”, “Кечиккан турналар”); Узоқ чўпон (“Кечиккан турналар”, “Унутилган соҳиллар”); Дўстмурод бобо (“Дўстмурод бобо”, “Салом, тоғлар!”); Эргаш (“Оқ каптарлар”, “Дўстмурод бобо”); Ёмонкул бобо (“Сангзор”, “Салом, тоғлар!”); Исмоил бобо (“Оқ каптарлар”, “Умр соҳиллари”); Нозик момо (“Салом, тоғлар!”, “Озор”); Саидмурод ака (“Бемор”, “Қайтиш”) сингари таниш бўлиб қолган, синашта ва қадрдон инсонларга - образларга яна дуч келамиз.

Адиб асарларида воқеалар тасвири ва баёнидан ташқари яна ёзувчининг ўз қаҳрамонлари ҳақидаги мулоҳазалари, воқеалар ҳақидаги кечинмаларини ҳам учратамиз. Ёзувчи лабораторияси билан танишганимизда, бу асарларни қиёсий ўрганиш орқали улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мутаносибликни сезишимиз мумкин. Биз қиёслаган бу битиклар ҳар хил жанрларда ва ҳар хил вақтларда, турли манбаларда ёзилган. Назаримиз иллаганича уларни ўзаро таққосладик. Балки, яна баъзи жойлари эътибордан четда қолган бўлиши ҳам мумкин.

Албатта, биз бу асарларни қиёслаш орқали уларнинг ҳаммаси ҳам автобиографик характерда, ёзувчининг кўрган-кечирганлари асосида ёзилган деган фикрдан мутлоқо йироқмиз. Табиийки, ёзувчи янги асар ёзар экан, ўзи билган воқеа-ҳодиса билан биргаликда бадиий тўқимадан ҳам фойдаланади. Ёзувчи тўғридан-тўғри ҳаётдан нусха кўчирмайди, балки унга ўхшаш қилиб янги бир асар яратади. Бошқача айтганда, ҳаётгий ҳақиқатдан бадиий ҳақиқат яратади; ҳаётгий факт ва ҳодисаларни ўз тажрибаси асосида қайта ишлайди, бойитади. Прототип (образ учун асос бўлган шахс) асосида образ яратишда ёзувчи конкрет тарихий шахсдан шундайича нусха кўчирмай, балки ўз маҳорати доирасида унинг энг муҳим, энг етакчи томонларини олади, холос. Асарни бадиий тўқимасиз, ижодий фантазиясиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Нурали Қобул ўзи билган одамларни асарларида кўришни истайди. Унинг адабиётда ўз мавзуси, ўз қаҳрамонлари бор. Ўз қаҳрамонлари қиёфаларини аниқ гавдалантира олган адиб ўзига хос образлар галарейасини яратган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Нурали Қобул. Ватандин яхши ёр ўлмас. –Т.:“Камалак”, 1994, -176 б.
2. Нурали Қобул. Кечиккан турналар - Т.: “Tafakkur”, 2016,- 232 б.
3. Нурали Қобул. Бўри ови -Т.: “IJOD-PRESS”, 2017,- 240 б.
4. Нурали Қобул. Унутилган соҳиллар. -Т.: “DIZAYN-PRESS”, 2013,- 256 б.
5. Нурали Қобул. Барча умид сиздан болалар! “Ленин учқуни” 1990 йил 23-апрель
6. Хушбоқов Ж. Юрагимнинг сурати. -Т.: Янги аср авлоди нашриёти, 2018. 179 - б.
7. Нурали Қобул. Ватан ва миллат қадрига етган ҳаққа етади... “Жиззах ҳақиқати” 1994 йил 13-август.
8. Нурали Қобул. Маймунлар мамлакати ёхуд ёввойилар орасида. -Т.: “IJOD-PRESS”, 2017,- 246 б.
9. Нурали Қобул. Жоҳиллик ва қотиллик -Т.: “IJOD-PRESS”, 2017,- 240 б.



Тўйчиев Абдуноби - Гулистон давлат университети таянч докторанти;  
Яшаш манзили: 120100. Гулистон шаҳри, IV микрорайон, Бўстон маҳалласи, Гулбаҳор кўчаси 10-уй. (тел: 94-407-22-40)  
E-mail: [abdunabi2240@gmail.com](mailto:abdunabi2240@gmail.com)

## **ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ АТАМАЛАРИ ТАРИХИДАН**

Бобомуродова Шоира Эркиновна  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети  
филология фанлари номзоди

*Аннотация:* Мақолада ўзбек тилшунослиги тарихида сўз ва унинг таркибини ифодаловчи атамаларининг шаклланиши, атамаларни қўллашдаги хилма-хилликлар ва уларнинг меёрлашуви, ўзбекчалаштирилган тилшунослик атамаларининг тилда ўринлашуви масалалари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* тилшунослик тарихи, сўз таркиби, сўз шакли, ўзак, қўшимча, белги, аффикс, келишик қўшимчалари, сўз ясалиши.

## **ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКОЙ ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ**

Бабамуратова Шаира Эркиновна  
Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы по  
имени Алишера Навои  
Кандидат филологических наук

*Аннотация:* В статье рассматривается формирование слов и их содержание в истории узбекской лингвистики, различия в использовании терминов и их стандартизации, а также размещение терминов на узбекском языке.

*Ключевые слова:* история лингвистики, словосочетание, словоформа, корень, суффикс, символ, аффикс, суффиксы, словообразование.

## **FROM THE HISTORY OF UZBEK LINGVISTIC TERMINOLOGY**

Bobomurodova Shoira Erkinovna  
Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navai  
Candidate of Philological Sciences

*Annotation:* The article examines and analyzes the formation of terms and their composition in the history of Uzbek linguistics, differences in the application of terms and their interaction, the position of the terms of Uzbek linguistics in the language.

*Keywords:* The history of linguistics, word composition, word form, suffix, sign, consonant, word-building.

Ўзбек тилшунослигида сўз ва унинг таркиби бўлган қўшимчалар ҳақидаги қарашлар, ушбу ходисаларнинг номланиши узоқ тарихга эга. Маҳмуд Кошғарий “Девону луготит турк” асарида сўз ва унинг таркиби билан боғлиқ ходисалар ҳақида



46	Қалбимизга яқин одамлар Тўйчиев А.Х. ....	268
47	Ўзбек тилшунослиги атамалари тарихидан Бобомуродова Ш.Э. ....	272
48	Таржимашуносликда экзотизм тушунчаси ва унинг тавсифи ҳақида Дехқонов И. ....	277
	<b>13.00.00</b>	
	<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b> <b>ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b> <b>PEDAGOGICAL SCIENCES</b>	
49	Олимпия таълими дастурларининг мазмуни Мамажонов Д.А, Тураев В.Б. ....	282
50	On the questions of improving the professional skills of the teacher Rakhmatova O. ....	290
51	Formation of professional competence of biology students in english classroom Yuldasheva M. B. ....	294
52	Илғор хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-педагогик хусусиятлари Абдурасулов А.А. ....	298
53	Бўлажак муҳандисларнинг илмий-тадқиқот компетентлигини шакллантириш жараёнини моделлаштириш Ахмедов А.Б. ....	303
54	Ал Хоразмийнинг меросни тақсимлаш ҳақидаги қарашлари ва унинг ++builder алгоритмик тилидаги дастури Арипов М.М.,Орипова У. ....	308
55	Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий маҳоратини ошириш йўллари Бердалиева Г.А. ....	315
56	Ажиниёз шоир ижодида фалсафа ва дунёқараш Таспанова Ж.К. ....	320
57	Некоторые аспекты в подготовке детей дошкольного возраста к программированию Икромова М.Н. ....	326
58	Бўлажак дастурчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий воситалар имкониятларидан фойдаланиш методикаси Тўраев М.Ф. ....	332
59	Maple tizimi yordamida tekislikda vektorlarni qo'shishning animatsiya usulidan foydalanib talabalarning matematik kompetentligini rivojlantirish orqali o'qitishning sifat va samaradorligini oshirish Mirzakarimov E. M, Fayzullayev J. I. ....	337
60	Ўзбекистон-япония таълим тизими ривожланиш истиқболлари Хошимов Ф.Ф. Эгамбердиева Р. Файзуллаева М.Ф. ....	343